

**ЎЗБЕКИСТОНДАГИ
АХБОРОТ-КУТУБХОНА
МУАССАСАЛАРИ
ФАОЛИЯТИНИНГ
МИЛЛИЙ МОДЕЛ
СТАНДАРТИ**

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ
МОДЕЛЬНЫЙ
СТАНДАРТ
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ
ИНФОРМАЦИОННО-
БИБЛИОТЕЧНЫХ
УЧРЕЖДЕНИЙ
УЗБЕКИСТАНА**

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ

**ЎЗБЕКИСТОН АХБОРОТ - КУТУБХОНА
МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ
МИЛЛИЙ МОДЕЛ СТАНДАРТИ**

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ МОДЕЛЬНЫЙ
СТАНДАРТ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ
ИНФОРМАЦИОННО-БИБЛИОТЕЧНЫХ
УЧРЕЖДЕНИЙ УЗБЕКИСТАНА**

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти,
Тошкент – 2019

УЎК 021(575.1) (083.74)
КБК 78.34(5Ў)
Ў 17

Ўзбекистондаги ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятининг Миллий модел стандарти [Матн] = Национальный модельный стандарт деятельности информационно-библиотечных учреждений Узбекистана : Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси. – Тошкент : Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2019 . - 132 б .

«Ўзбекистон ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини ташкил қилишнинг Миллий модел стандарти» ахборот-кутубхона муассасалари ишини ташкил этиш, кутубхона ресурслари базаларини меъёрлаш, аҳолига ахборот-кутубхона хизматлари кўрсатишнинг минимал талабига бўлган ягона ёндашувини белгилайди.

«Ўзбекистон ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини ташкил қилишнинг Миллий модел стандарти» ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини регламент асосида ташкил этишда тавсиявий ҳужжат ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директорининг 2019 йил 15 июлдаги 286-сон буйруғи билан тасдиқланган.

Масъул муҳаррир:
У. Тешабаева

Тузувчилар:

Қ. Турсунов, В. Ахмедова, Н. Холдорова, М. Максумова, З. Бердиева,
Т. Алимходжаева, Ф. Болкунова, Р. Ратнер, А. Клычбаев, Ф. Рўзиева

ISBN 978-9943-06-637-3

© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, 2019

1. Қўллаш соҳаси

Ўзбекистон ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини ташкил қилишнинг Миллий модел стандарти (кейинги матнларда – Стандарт) мамлакат аҳолисига ахборот-кутубхона хизматлари кўрсатишнинг мақсади, мазмуни, тузилмаси ва амалга оширилишининг минимал талабларини белгилайди.

Стандарт Ўзбекистон Республикаси ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятининг (кейинги матнларда – АКМ) асосий принциплари ва ташкил этиш қоидаларини белгилаш билан бирга, кутубхона ресурслари базаларини меъёрлашнинг ягона ёндашувини аниқлайди. Стандарт АКМлар томонидан аҳолига ахборот-кутубхона хизматлари кўрсатишни таъминлаш ва барча турдаги хизматларни юқори сифатда кўрсатилишини амалга оширишга йўналтирилган.

АКМлар Стандарт ижро этувчи органлар сифатида кутубхоналар фаолиятини регламент асосида ташкил этишда тавсиявий ҳужжат ҳисобланади. Стандарт иловалари ҳужжатнинг таркибий қисмлари ҳисобланиб, унинг мазмунига қараб тавсиявий ёки маълумот характерга эга.

2. Асосий қисм

Стандартни ишлаб чиқишнинг долзарблиги жамиятда инновацион технологияларнинг шиддат билан ривожланиши рўй бераётган жараёнларда яратиш, сақлаш, ахборотни етказиб бериш, тарқатиш каби жараёнлар ҳамда билим олиш ва маданий кадриятларни кескин ўзгаришига ундаётганлиги билан изоҳланади.

Мазкур Стандартнинг мақсади – ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантириш, жамиятдаги ўзгаришлар жараёнида АКМ фаолиятини тартибга солиш, уларнинг асосий принциплари ва қоидалари, ахборот-кутубхона ресурслари базаларини меъёрлашда ягона ёндашувни белгилаш.

Бугунги кун мафкурасини қайта шакллантириш ахборот, интеллектуал ривожланган жамият барпо этишга йўналтирилган.

Давлатнинг маданий ва ахборот сиёсатининг муҳим вазифалари

АКМ китоб фондлари бадиий, илмий, энциклопедик, луғатлар билан тизимли бойитиш учун нашр этиш, аҳолини классик, замонавий, миллий ва хорижий, шу жумладан, болалар адабиёти ва ижодиётига, Ўзбекистонда истиқомат қилувчи халқлар тилида яратилган адабиётлардан фойдаланиш учун кенг имкониятлар яратишдир.

Бугунги кунда АКМлар таълим ва тарбия, маданият марказлари бўлиш билан бирга олимлар, жамоат арбоблари, устозлар, ёзувчилар иштирокида ўтувчи маънавий-маърифий тадбирларни ташкиллаштирувчи муассасага айланишлари зарур. Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш орқали, фойдаланувчиларга жамият ҳаётининг турли жабҳаларида ахборот хизмати кўрсатишни, ўз ичига олган маҳаллий-тарихий материалларни жамлаган ўлкашуносликка оид, шахсга оид контентлар яратишни тақозо этади.

АКМлар фаолиятини ташкил қилишдаги асосий омил бу – фуқароларнинг сифатли, улар сўровларига (талабларига) мувофиқ ахборотни ўз вақтида олишга бўлган ҳуқуқларини таъминлаган ҳолда ахборот олиш усуллари ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш орқали амалга ошириш, бунинг натижасида шахснинг маънавий даражасини ошириш ва жамият ҳаётига жалб этиш муҳим ҳисобланади.

АКМлар маданият ва ахборот соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этиб, виждонли, ижодий фикрловчи, зиёли шахсларни шакллантиришга қўмаклашиши, ўз юрти фидойиси ва масъулиятли фуқароси сифатида шаклланишида иштирок этиши лозим.

3. Ахборот-кутубхона муассасалари тури, вазифаси, функцияси ва фаолияти принциплари

3.1 Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»ги Қонунига (2011йил 13-апрел ЎРҚ-260-сон) мувофиқ Ахборот-кутубхона тизими ягона ташкилий ва услубий таъминот асосида фаолият кўрсатувчи ахборот-кутубхона муассасалари мажмуидир.

3.2 Ахборот-кутубхона муассасаси мустақил муассаса бўлиши ёхуд корхона, муассаса ёки ташкилотнинг таркибий бўлими бўлиши мумкин.

АКМларга қуйидагилар киради:

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар
Ахборот-кутубхона марказлари;

Туман(шаҳар) ахборот-кутубхона марказлари;

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг кутубхоналари.

Бошқа кутубхоналар (фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат-нотижорат ташкилотлари,тижорат ташкилотларининг кутубхоналари.

3.3 АКМлар ахборот-кутубхона фондларининг мазмуни ва белгиланган мақсадига кўра универсал ҳамда махсус ахборот-кутубхона муассаларига бўлинади.

Универсал АКМ Ахборот-кутубхона фондларини бўлимнинг турли соҳалари бўйича шакллантиради ва турли тоифадаги фойдаланувчиларни қаноатлантиради.

Махсус АКМ ахборот-кутубхона фондларини бўлимнинг бир ёки бир неча турдаги соҳалари бўйича шакллантиради ва айрим тоифадаги фойдаланувчиларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қаноатлантиради.

3.4 АКМлар:

Аҳолининг барча қатламларига ижтимоий муҳим ахборотларга тўсиқсиз ва бегараз киришлари учун янги замонавий технологияларни жорий қилиш;

- ахборот-кутубхона фондларида ҳисобга олинган, сақланаётган, тўпланган билим ва тажрибаларни барча хоҳловчиларга етказиш орқали жамиятни интеллектуал ривожланиши ошишига кўмаклашиш;

- ахборот-коммуникация технологияларига асосланиб, ундан кенг фойдаланилган ҳолда, ахборот хизмати ва хизмат кўрсатишнинг янги шакллари жорий этиш орқали фойдаланувчиларга қулай шароитлар яратиш, ҳаёт фаолиятининг сифат даражасини ошириш;

- ўз фаолиятининг устувор вазифасини англаган ҳолда маданий-маърифий фаолиятини ва интеллектуал билим натижаларини етказишнинг қонунийлиги, ўзгармаслиги ва сақланишини кафолатлаш;

- фуқароларга ўз билим даражасини ўстириш, кўшимча касбий тайёргарлигини оширишларига қулай шароитлар яратиш;

- миллатлараро ҳамкорлик ва маданият марказлари ҳисобланиши;

- жаҳон маданий меросини сақлаш тажрибаларини амалга ошириш ва интеграциялаш.

3.5. АКМлар учун асосий вазифалар:

- мамлакат аҳолисига билим олишлари учун имкониятларни таъминлаш;
- мавжуд босма, видео ва бошқа шаклдаги маданий меросни сақлаш ҳамда фойдаланиш учун тақдим қилиш;
- адабиёт намуналари, илмий-тадқиқот ва ижодий фаолият натижалари билан танишиш учун кенг имкониятлар ташкил этиш;
- фуқароларни интернет ва мобил иловалар орқали миллий ахборот-кутубхона фондларига (бепул, қулай ва қонуний) тўсиксиз киришларини таъминлаш;
- моддий ёки номоддий воситалар орқали тақдим этиш.

3.6. АКМлар учун асосий фаолият турлари:

- ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш–фойдаланувчиларга ахборотларни етказишда маълумот-библиографик хизмат кўрсатиш;
- маданий-маърифий фаолияти, илмий-таълимий, маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш, маданий-маърифий дастурларни, касбий малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш дастурларини амалга ошириш.

3.7. АКМ фаолиятининг асосий турларини амалга оширишда тавсия этиладиган вариантлар:

3.7.1. Ахборот-кутубхона соҳасида хизмат кўрсатиш:

ахборот ва ахборот ресурсларидан (нашрлардан) вақтинча фойдаланиш (абонемент, ахборот-кутубхона ресурсларидан вақтинча фойдаланишга олиш майдони (жойи)), нашрларни сотиб олиш имконини яратиш (АКМ биносидан ортиқча хона, майдон бўлган тақдирда) орқали китоб дўконлари учун ижарага жой ажратиш;

турли ахборот ташувчи мосламалар (ўқув зали, медиатека) орқали ахборотни олиш майдони (жойи);

давлат электрон ахборот-кутубхона ресурсларига (Миллий умумтаълим электрон кутубхона (МУЭК) каналига кириш майдони (жойи), маълумотлар базаси, давлат ахборот тизими);

халқаро нашриётлар ва ахборот агрегаторларининг хорижий тўлиқ матнли илмий-таълимий маълумотлар базаларига кириш майдони (жойи);

ахборот-кутубхона фондларини сақлаш (китоб сақлаш омборлари, кўргазмалар) майдони (жойи);

мавжуд массивлар ва ресурслар тўғрисида маълумотлар олиш канали (каталог, картотекалар, маълумот-библиография хизмати).

3.7.2. Маданий-маърифий фаолият:

мунозара майдони (мулоқот жойи, интеллектуал – дам олиш маркази ва бошқ.);

махсус билим, мустақил таълим олиш, шу жумладан, курслар, маърузалар, тренинглари, семинарлар ўтказиш таълим майдони;

маданий-маърифий ва ижтимоий аҳамиятга эга тадбирлар – бадий студиялар, катталар ва болалар учун адабий учрашувлар, конференциялар, китоб тақдимотлари, ўқишлар, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва бошқа тадбирлар ўтиш майдони;

ахборот майдони (жойи) ва ижтимоий-муҳим давлат хизматларини олиш канали;

ижтимоий ахборотлар ҳамда хизматлар (хукукий, ижтимоий ташкилотлар, жумладан, турар-жой масалалари) олиш бўйича маслаҳат пункти ва майдони (жойи).

3.8. Фаолият принциплари:

АКМлар ўз фаолиятларини ижтимоий ва иқтисодий мувофиқлик принципларидан келиб чиқиб, фаолиятининг турли йўналишларини уйғунлаштирган ҳолда, мавжуд барча ахборот каналларини устувор ҳолатда сақлаш.

Хизмат кўрсатиш ҳамда давлат топшириқлари доирасида амалга ошириладиган ишларни бажариш қуйидаги принциплар асосида бўлиши керак:

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ва жамиятнинг ахлоқий меъёрлари доирасида ўз фаолиятини олиб бориш;

- хизмат кўрсатиш ишларини бажаришда норматив ва техник талабларга жавоб бериш;

- хизмат кўрсатиш ишларини бажаришда фойдаланувчилар талабларини ҳисобга олиш;

- алоҳида гуруҳлар – болалар ва ёшлар, кекса ёшли кишилар, имконияти чекланган фойдаланувчиларнинг имкониятлари ва хусусиятларини ҳисобга олиш.

3.9. АКМларни ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикасининг ягона ахборот-кутубхона тармоғини яратиш зарур. Бу ўз ўрнида:

- ахборот-кутубхона ресурсларини босма, аудиовизуаль ва электрон шакллари олиши;

кутубхона абонементи орқали (китобни уйга бериш), кутубхоналараро абонемент (КАА), АКМ ўқув зали, хорижий илмий-таълимий маълумотлар базаларига кириш орқали жаҳон навириётлари агрегаторлари ахборотларига, ахборот-кутубхона хизматларининг бошқа шакллари

- ахборот-кутубхона фондларини янги навириёт маҳсулотлари ва даврий нашрлари билан тўлдириш;

мажбурий нусхаларни олиш, навириётлар ҳамкорлигида китоб савдоси тармоғи орқали қизиқтирган нашир ва ҳужжатларни харид қилиш

- миллий умумтаълим электрон кутубхонада шакллантирилган ягона миллий электрон ресурсга кириш;

Миллий умумтаълим электрон кутубхона Ўзбекистон Республикаси фуқароларини республика АКМ рақамлаштирган материалларига, таълим ва илмий муассасалар ресурсларига, шунингдек, бошқа ҳуқуқ эгаларининг рақамлаштирилган мультимедиа ресурсларига киришининг шакллари ва механизмини белгилайди

- зарурий маслаҳат ёрдамини олиш:

(ахборот-кутубхона фаолияти доирасида) маслаҳат бериш ёки ижтимоий аҳамиятга эга бўлган хизматларни кўрсатиш учун манфаатдор ташилотлар билан келишилган ҳолда АКМ тузилмасида хизмат ташикл этилиши ёки жой (хона) ажратилиши мумкин: ҳуқуқий ва бошқа ижтимоий аҳамиятга эга ахборотлар берувчи жамоат марказлари, юристлар, психологлар, врачлар, экологлар, давлат ва ҳокимият вакиллари, сайлов комиссияси, ҳарбий ташилотлар ва бошқаларни таклиф этиш.

- бошқа давлат хизматлари ҳамда бошқа ижтимоий аҳамиятга эга ва қўшимча хизматлардан фойдаланиш:

АКМларда жойлашган терминаллар орқали давлат хизматлари ва электрон ҳукумат сайтларига, бошқа ижтимоий сервисларга кириш

- интеллектуал ҳордиқ чиқариш ва мулоқот қилиш имкониятини

олиш, ўқилган ва кўриб чиқилган ахборотларни муҳокама қилиш, малака ва маълумот даражасини ошириш;

кинофильмларни томоша қилиш, интеллект-марказлари, қизиқишлар бўйича клублар, мулоқот майдонлари, адабий студияларни ташкил қилиш, интеллектуал ўйинларни ўтказиш, ўлкашунослик ва адабий туризмни ташкил этиш, адабиётшунослар ва бошқа маданият намояндалари билан учрашувлар ўтказиш, АКМ биносида ёки онлайн хизматлар орқали концертлар, кўргазмалар ўтказиш имкониятини яратиш, шунингдек, маърифий фаолият орқали – маърузалар, семинарлар, илмий мунозаралар, тил курсларини ташкил қилиш, ахборот саводхонлиги, малака ошириш ва бошқа хизматлар, шу жумладан, таълим ва бошқа муассаса ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш.

4. Ахборот-кутубхона муассасалари фойдаланувчилари ва уларга хизмат кўрсатиш

Аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш Ўзбекистон Республикасида ижтимоий аҳамиятга эга бўлган фаолият ҳисобланади.

Ахборот-кутубхона муассасалари фуқароларнинг манфаатлари, аҳолининг ахборотга бўлган эhtiёжи ва маҳаллий урф-одатларини ҳисобга олган ҳолда ахборот-кутубхона фаолиятини доимий мониторингини ўтказиш ва таҳлил қилиш асосида яқка тартибдаги фойдаланувчилар (жисмоний шахсларга) ва ташкилотларга (юримдик шахсларга) маҳаллий ва масофадан комплекс хизматларни тақдим этади.

Ахборотлаштириш – ахборот-кутубхона муассасалари фойдаланувчиларига замонавий ахборот-кутубхона хизматларини тақдим этиш учун зарур шартлардандир. Ахборот технологиялари ахборот-кутубхона муассасаларига янги хизмат турларини жорий этиш ва ундан фойдаланишда, жойлашган жойидан қатъий назар ҳар қандай фойдаланувчига ўз корпоратив ва ахборот ресурсларидан фойдаланиш имконини беради.

Аҳоли учун ахборот-кутубхона хизматларини ташкил этиш қуйидаги асосий шаклларда амалга оширилади:

доимий хизмат кўрсатиш шакли (ахборот-кутубхона муассасала-

ри ҳудудида фойдаланувчиларга тақдим этилган ахборот-кутубхона хизматларининг барча турлари);

ташқи стационар хизмат шакли (фойдаланувчиларга, яшаш жойига, иш, ўқиш жойига ахборот-кутубхона ресурсларини етказиб бериш ва бошқа хизматларни тақдим этиш), мобил кутубхона;

масофадан хизмат кўрсатиш (фойдаланувчига ахборот коммуникация технологиялари асосида масофадан хизмат кўрсатиш);

ахборот-кутубхона муассасаси, айрим сабабларга кўра ва одатдагидек ташриф буюра олмайдиган кексалар ва ногиронларга хизмат кўрсатиш;

фойдаланувчи учун маълумотлар ва ахборот-кутубхона ресурсларига киришга ахборот-кутубхона муассасасининг замонавий хизмат шакли ва операцион канали ахборот-кутубхона муассасасининг веб-сайти ҳисобланади.

Ахборот-кутубхона хизматларини ташкил қилишнинг истиқболли, ягона шакли ахборот-кутубхона муассасасида ахборот ва кутубхона ресурсларини оладиган ягона китобхон билети асосланади, фойдаланувчилар уни бошқа ҳар қандай ахборот-кутубхона муассасига қайтариш ёки ахборот ва кутубхона ресурсларини бошқа ахборот-кутубхона муассасидан етказиб бериши мумкин. У ягона китобхон билети асосида ишлайди.

Ахборот-кутубхона хизматларининг ушбу шакли замонавий технология асосида ахборот-кутубхона муассасалари ҳамкорликнинг юқори даражаси ахборот-кутубхона муассасалари аъзоларининг электрон ресурсларини ягона ахборот порталига интеграциялаштиришни назарда тутлади.

Ахборот билан таъминлаш ва кутубхона хизматлари (фойдаланувчилар сонининг хизмат кўрсатиш ҳудудида яшовчи аҳоли сонига нисбати) ахборот-кутубхона муассасалари учун камида 30фоиз бўлиши керак. Болаларга хизмат кўрсатиш шаҳарда камида 35-40фоиз, вилоятларда эса 45-50фоиз ни қамраб олиши керак.

Аҳолига ахборот-кутубхона муассасалари томонидан бепул хизмат кўрсатиш кафолатланади.

Асосий бюджет (бепул) хизматлар кўрсатиш рўйхати қуйидагиларни ўз ичига олади.

ахборот-кутубхона фонди таркиби ва ахборот-кутубхона фондидаги конкрет ахборот-кутубхона ресурслари ҳақида маълумот бериш;

ахборот манбаларини қидириш ва танлашда маълумот ва маслаҳат бериш;

ахборот-кутубхона муассасаларидан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ ахборот-кутубхона фондидан вақтинчалик фойдаланишга бериш;

бошқа ахборот-кутубхона муассасалари ресурсларидан кутубхоналараро (кутубхоналараро абонемент, электрон хужжатларнинг ички алмашинуви ва хужжатларни электрон етказиб бериш) фондлардан фойдаланган ҳолда талабни қондириш.

Ахборот-кутубхона муассасалари базасида мутолаа ва ахборот маданиятини ошириш мақсадида турли соҳаларда тадбирлар ташкил этиш.

Ахборот-кутубхона муассасалари қўшимча ахборот-кутубхона ва сервис хизматларини кўрсатишда пулли хизматлар кўрсатиши мумкин.

Ахборот-кутубхона муассасалари томонидан лицензиялаш ва сертификациялаш хизматларига боғлиқ пулли хизматларни кўрсатишда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигининг барча талабларига риоя қилиниши шарт.

Ҳар бир ахборот-кутубхона муассасалари фойдаланувчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини ахборот-кутубхона муассасалари имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, маҳаллий қонунчиликда бошқа тартиб белгиланмаган бўлса хизматларнинг рўйхати ва шартларини мустақил равишда белгилайди. Ҳар қандай ҳолатда ахборот-кутубхона муассасалари фуқароларга кенг қамровли хизмат турларини ва ахборот-кутубхона хизмати сифатини сезиларли даражада яхшилашга интилишга мажбурдир (*1-илова*).

Ахборот-кутубхона хизматларининг сифати ва самарадорлигини баҳолаш ахборот-кутубхона муассасалари томонидан уларнинг барча босқичларида эҳтиёжларни аниқлаш, ўрганиш, режалаштириш, ишлаб чиқиш, тарғиб қилиш, фойдаланиш, қониқишни таҳлил қилишда амалга оширилади.

Ахборот-кутубхона хизматларини умумий баҳолаш қуйидаги хусусиятларни ўз ичига олади:

- талабларга тезкор ва сифатли жавоб бериш;
- ахборотга бойлиги ва мазмундорлиги;
- хизмат кўрсатишнинг замонавий усуллари ва турлари;
- махсус фойдаланувчилар (болалар ва ўсмирлар, қариялар,

жисмоний имконияти чекланган инсонлар) учун хизматлар сони ва ягоналиги.

Ахборот-кутубхона муассасалари ўз фаолиятининг сифати ва самарадорлигини баҳолаш учун фойдаланадиган кўрсаткичлар билан умумий хусусиятларни тўлдириши зарур (2-илова).

Ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятининг самарадорлигини ошириш воситаларидан бири фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишни таъминлаш, ички стандартлар ва тартибга солувчи талабларни ишлаб чиқилганлигидир.

5. Ахборот-кутубхона муассасаларининг қулай жойлашиши ва иш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Ахборот-кутубхона тизимини ташкил этишнинг умумий талаби барча аҳоли яшаш жойларида, шу жумладан, кам сонли аҳолига эга бўлган жойларда ҳам ахборот-кутубхона муассасалари хизматларини кўрсатиш мажбурий ҳисобланади (3-илова)

Яшаш жойидан қатъий назар, ҳар бир фуқаро учун қулайликлар ахборот-кутубхона хизматларининг стационар ва барқарор бўлмаган шакллари орқали таъминланади.

Фойдаланувчилар ва аҳолининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир ахборот-кутубхона муассасалари учун танаффуслар, дам олиш кунлари, тозалик кунлари, жумладан, кунлик иш тартиби ўрнатилади. АКМнинг 20 фоиздан кам бўлмаган иш вақти фойдаланувчиларнинг асосий иш вақти билан тўғри келиб қолмаслиги керак.

6. Ахборот-кутубхона муассасалари ресурслари

Ахборот-кутубхона муассасалари ресурслари: ҳужжатлар билан таъминлаш, ахборот-кутубхона фонди, бинолар, жой, жиҳозлар, ходимлар, молиявий воситалар.

6.1. Ҳужжатлар билан таъминланиш

Ахборот-кутубхона муассасаларида бошқарув ва ташкилий тартиблар юридик ва технологик ҳужжатларда кўрсатилган маълумотларни ўз ичига олади.

Ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларнинг тахминий рўйхати:

Ахборот-кутубхона муассасаларининг асосий ҳужжатлари:

- Устав (Низом);
- Қоидалар;
- Йўриқномалар;
- Стандартлар.

Ахборот-кутубхона муассасалари маҳаллий актларига қуйидагилар киради:

-Ахборот-кутубхона муассасалари бўйича қоидалар (агар ахборот-кутубхона муассасалари бошқа ташкилотнинг таркибий бўлинмаси бўлса);

-«Ахборот-кутубхона муассасалари таркибий бўлинмалари тўғрисида»ги Низом;

- жамоа шартномалари;
- ички меҳнат интизом қоидалари;
- «Меҳнатга ҳақ тўлаш ва мукофотлаш (рағбатлантириш) тўғрисида»ги Низом;

-пулик хизматлар тўғрисида низом;

- «Ходимларни аттестациядан ўтказиш тўғрисида»ги Низом;

- «Ходимларнинг шахсий маълумотларини ҳимоя қилиш ва қайта ишлаш тўғрисида»ги Низом;

- штатлар жадвали;

- лавозим йўриқномалари;

- техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш ҳужжатлари;

-ахборот-кутубхона муассасалари тузилмасини белгилайдиган ҳужжат.

Ташкилий ва маъмурий ҳужжатлари:

- ахборот-кутубхона муассасалари режа ва ҳисоботлари;
- баённомалар, қарорлар, ҳулосалар;
- буйруқлар ва кўрсатмалар;
- аттестация ҳужжатлари;
- бухгалтерия ҳужжатлари;
- ходимлар ҳужжатлари;
- муассасанинг иш юритиш журнали;
- ҳаваскор ташкилотларнинг иш юритиш китоби;
- эслатмалар, маълумотлар, ёзишмалар.

6.2. Ахборот-кутубхона фонди

Ахборот-кутубхона фонди қуйидаги ахборот-кутубхона

ресурсларини ўз ичига олади: моддий объектга туширилган матн, овоз ёки тасвир кўринишида қайд этилган ёзув ва уни аниқлаш, сақлаш ва ундан фойдаланишни таъминлаш учун реквизитларга эга бўлган маълумотлар.

Ахборот-кутубхона фондини шакллантириш, сақлаш ва ундан фойдаланиш ахборот-кутубхона ресурсларининг сақланиши ва улардан оқилона фойдаланишни таъминловчи амалдаги қонун ҳужжатлари ва қонуности меъёрий ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Ахборот-кутубхона муассасаси ахборот-кутубхона фонди универсал бўлиши ва фойдаланувчиларнинг ахборот эҳтиёжларини қондириши, жамиятда турли фикр ва қарашлар талабларига жавоб бериши керак.

6.2.1. Туман, шаҳар, маҳалла ахборот-кутубхона муассасаси ахборот - кутубхона фондининг ҳажми 1 нафар фуқарога ўртача китоб таъминоти асосида белгиланиши керак: хизмат кўрсатиш туманда 6-8 та, шаҳарда 5-7 та, кишлоқ жойларда 7-9 та, маҳаллаларда 3-4 та, марказдан қанчалик узоқ бўлса, ахборот – кутубхона муассасаси нисбатан юқори, аҳоли сонига қараб, ресурс таъминоти меъёри бўлиши керак.

Бунда ахборот-кутубхона фондини шакллантиришда хизмат кўрсатиш соҳасидаги 1 нафар аҳоли учун ўртача китоб таъминотининг максимал кўрсаткичи асосий йўналиш бўлиб қолиши лозим.

Ўртача кўрсаткич маҳаллий аҳолининг реал эҳтиёжларига, аниқ ахборот-кутубхона муассасасининг ўрни ва ролига, бошқа ахборот-кутубхона муассасаларининг яқинлигига, ташқи ресурсларга, молиявий имкониятларга ва бошқаларга боғлиқ равишда белгиланиши мумкин.

Туман, шаҳар, маҳалла ахборот-кутубхона муассасасининг ахборот-кутубхона фондида бадиий адабиётлар камида 70 фоизни ташкил этиши керак.

6.2.2. Тегишли ҳудуддаги аҳолига хизмат кўрсатувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ахборот-кутубхона марказлари аҳоли учун қўшимча равишда 1 дан 2,5 нусхагача бўлган умумий жамғарманинг катталашган ҳажмига эга бўлиши керак.

Шаҳар (туман) ҳудудида аҳолига хизмат кўрсатувчи шаҳар (туман) ахборот-кутубхона марказлари аҳоли учун қўшимча 0,5 дан 2 нусхада ҳисоб-китоб қилинган ҳолда умумий фонднинг кенгайтирилган ҳажмига эга бўлиши лозим.

Мажбурий нусха олиш ҳуқуқига эга бўлган ахборот-кутубхона муассасаси, шунингдек, давлат ҳокимияти ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қабул қилинган расмий ҳужжатлар минтақадаги барча ҳудудларда яшовчиларга тақдим этиладиган энг тўлиқ фондни ташкил этади.

6.2.3. Жамғарманинг энг кам миқдори ахборот-кутубхона муассасаси қуйидаги формула бўйича аниқланиши мумкин: $Kф = Kт * A$, бу ерда $Kф$ - ахборот-кутубхона муассасаси фонди, $Kт$ - аҳоли жон бошига китоб таъминоти / контингент, A - аҳоли сони / контингент.

Маълумот ва библиографик нашрлар фонди умумий фондга нисбатан камида 10 фоиз ни ташкил қилиши керак.

Ихтисослаштирилган фонд (болалар адабиёти ёки муаммоли йўналтирилган адабиётлар) ахборот-кутубхона муассасаси турли форматдаги ахборот-кутубхона ресурслари ва улар фаолиятининг устувор йўналишларида шакллантирилади.

Универсал фондда ахборот-кутубхона муассасаси (хизмат кўрсатиш ҳудудида махсус болалар кутубхонаси бўлмаган тақдирда) 14 ёшгача бўлган болалар учун адабиётлар фондининг умумий ҳажми камида 30 фоиз ни ташкил этади ва турли ташувчиларда, шу жумладан, таълим-тарбия дастурлари, ўйинлар ва ҳ.к. ҳужжатлар мавжуд. Болалар ахборот-кутубхона муассасаси фондида бадий адабиёт камида 50 фоиз ни ташкил этиши керак.

Ахборот-кутубхона муассасаси фондида кўзи ожизлар учун махсус форматлар: бўртма нуқтали китоблар, «гапирувчи» китоблар, аудиокитоблар, бўртма нуқтали қўлланмалар, қўл меҳнати билан сезги орқали фойдаланиладиган нашрлар, қўл нашрлари, рақамли форматдаги нашрлар, шунингдек, таржимали аудиовизуал материаллар ёки кар, эшитиш қобиляти заифлар учун босма матн билан бирга келади. Махсус форматлар фонди учун кўрсаткичлар 1000 аҳоли учун камида 45-50 та бўлиши керак.

Ахборот-кутубхона муассасаси фондида фойдаланувчиларнинг этник гуруҳлари учун ҳужжатлар ҳам бўлади (халқаро амалиётни ҳисобга олган ҳолда: 500 та этник-миллат вакиллар сони-100 та ҳажм, 2000 тагача бўлганлар сони-10 кишига 1 та ҳажм).

Даврий нашрлар фонди ҳажми ахборот-кутубхона муассасасига камида 20 номдаги ҳисоб-китоблардан аниқланади.

Ҳар қандай ҳудуднинг ҳар бир ахборот-кутубхона муассасаси фондида:

- маҳаллий даврий нашр: камида 1 номда;
- ҳудудий даврий нашр: камида 2 номда;
- умумдавлат кундалик тўлиқ форматли газеталар: камида 2 номда;
- адабий-бадiiй журналлар: камида 1 номда;
- болалар даврий нашрлари: камида 5 номда;
- профессионал нашрлар: камида 2 номда.

6.2.4. АКМнинг овоз ва видеоёзувлар фонди, маҳаллий ва хорижий мумтоз кино асарларининг энг яхши намуналарини, маҳаллий ва хорижий асарларнинг экранлаштирилган, шунингдек, маҳаллий ва хорижий мусиқа фондларини ўз ичига олиши керак. Йиллик янги-ланиш - ҳар 1000 аҳоли учун камида 20 та овоз ва 4 та видео ёзувлар бўлиши керак.

Электрон нашрлар сони компьютерлаштириш даражасига боғлиқ ахборот-кутубхона муассасаси фондининг умумий тузилмасида ушбу турдаги ҳужжатларни босқичма-босқич ошириш тенденциясига эга бўлиши керак.

6.2.5. АКМ фондининг асосий хусусиятлари: фойдаланувчи сўрови ва талабларига мувофиқлик, доимий янгилаб бориш.

Янгилаш – ахборот-кутубхона муассасаси фондининг аҳамиятини сақлаб қолиш учун зарур шарт-шароитлардан бири бўлиб, қабул қилинган ўртача китоб таъминоти даражасини 1 нафар фукарога сақлашни таъминлаши керак.

Йиллик тушумларнинг йиллик кўрсаткичи:

- ИФЛА/ЮНЕСКО ва «Ижтимоий меъёрлар ва қарорлар» тавсиясига кўра-1000 аҳолига 250 та янги китоблар;
- амалиётдан-фонд умумий ҳажмининг камида 5фоизидан ;
- кўришда нуқсонли бор ногиронлар учун махсус адабиётлар кутубхона фондида мавжуд адабиётлар сонининг камида 12 фоизини ташкил этган ҳолда тўлдирилиб борилиши зарур.

6.2.6. Молиялаштиришни ҳисоблаш мазкур формула билан $0,25 * Ц * Н$ амалга оширилади, бу ерда 0,25 - 1000 киши учун ҳар йили сотиб олинган китоблар сонини тавсифловчи коэффициент; Ц - ўртача харажат, 1-кутубхона ресурси ва Н - АКМ хизмат кўрсатиш ҳудудида яшовчи аҳоли сони.

6.2.7. Фонднинг сифати ахборот-кутубхона муассасаси ахборот-кутубхона фондидан ахборот-кутубхона ресурсларини ўз вақтида ҳисобдан чиқариш ва уларни тўлдириш даражаси сифатида белгиланади. Мажбурий тартибда ахборот-кутубхона муассасаси эскирган нашрлар, айниқса маълумотнома материаллари, шунингдек, долзарблигини йўқотган ва фойдаланувчилар томонидан талаб қилинмайдиган нашрларни ҳисобдан чиқаради. Шу билан бирга, фонддан ахборот-кутубхона ресурсларини ҳисобдан чиқариш меъёри тўлдириш меъёридан ошмаслиги керак.

Ахборот-кутубхона фондини сабабсиз, ахборот-кутубхона фонди ҳисобидан чиқариш қиймати йиллик 0,1 фоиз дан ошмаслиги керак.

Иккиламчи хом ашё пунктлари бўлмаган тақдирда ёки ахборот-кутубхона ресурсларини чиқинди қўғозларга топшириш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаган ҳолларда, ахборот-кутубхона муассасаси ҳисобдан чиқарилган ахборот-кутубхона ресурсларини фонддан чиқариш тўғрисида далолатнома тузган шахслар иштирокида жойида тасарруф этади.

Кам сўраладиган, кўп нусхали адабиётлар, лекин ҳали ҳам фойдаланишга яроқли ва ўз аҳамиятини йўқотмаган ахборот-кутубхона ресурслари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ахборот-кутубхона муассасасига ўтказилади.

Мазмун ва моҳиятини йўқотмаган ахборот-кутубхона ресурслари доимий равишда АКМ жамғармаси таркибида сақланиб қолиши керак. Бундай манбаларнинг ягона нусхаси анъанавий шаклда ёки бошқа воситаларда (микрофильм ёки электрон шаклда) сақланиши мумкин.

6.2.8. АКМ ахборот-кутубхона фондининг хавфсизлигини, ахборот-кутубхона ресурсларининг нормал жойлашуви, ёруғлик, ҳарорат ва намлик шароитлари, ёнғин хавфсизлиги ва бошқалар учун белгиланган стандартларга мувофиқ таъминлашга мажбур.

6.2.9. Ахборот - кутубхона фонди ахборот-кутубхона муассасасининг маълумот-библиографик аппаратида, шу жумладан, электрон каталогда акс эттирилади.

АКМнинг электрон каталоги мустақил равишда ёки бошқа ахборот-кутубхона муассасаси билан биргаликда, корпоратив ресурслардан фойдаланиш асосида ташкил этиладиган асосий электрон ресурс ҳисобланади.

Электрон каталогдан ташқари, ахборот-кутубхона муассасаси мустақил равишда турли хил маълумотлар базаларини: библиографик, фактографик, тўлиқ матнли, шу жумладан, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан қабул қилинган расмий ҳужжатлар базасини яратиши мумкин.

6.3. Ахборот-кутубхона муассасаси биноси ва хоналари **Ахборот-кутубхона маконини ташкил этиш**

Ахборот-кутубхона муассасаси алоҳида бинога, турар-жой ёки жамоат биносига туташган блок-бинога, архитектура-режалаштириш ва қурилиш нормаларига риоя этилган ҳолда ахборот-кутубхона муассасасининг функционал вазифасига ва унинг фаолият доирасига мос келадиган махсус мослаштирилган турар-жой ёки жамоат биносининг биноларига жойлаштирилиши мумкин.

Ахборот-кутубхона муассасасини маданий-дам олиш маркази (ижтимоий-маданий мажмуа ва ҳ.к.) биносига жойлаштиришда ахборот-кутубхона муассасасининг функционал хусусиятларини, унинг ахборот-кутубхона фондларининг сақланишини ва фойдаланувчилар учун қулай шарт-шароитларни яратишни таъминловчи махсус хоналар назарда тутилиши зарур.

Ахборот-кутубхона муассасасини жойлаштиришнинг ҳар қандай вариантида, фойдаланувчилар учун қулай ва эркин ҳамда ахборот-кутубхона муассасасига ёнғин хавфсизлиги бўйича ўт ўчирувчи машиналар кириб чиқиш имконияти билан таъминланиши керак. Ахборот-кутубхона муассасаси жисмоний имконияти чекланган фойдаланувчилар учун махсус мосламалар кириш-чиқиш вақтида пандуслар, босқичли ўтиш йўллари, махсус ушлагичлар, тўсиқлар, лифтлар билан жиҳозланган бўлиши керак.

Ҳар бир ахборот-кутубхона муассасаси аҳолининг транспортлардан фойдаланиш имкониятини ҳисобга олинган ҳолда жойлаштирилади: 3 км. гача – пиёдалар учун, 3 км ва ундан ортиқ - транспортдан фойдаланиш имконияти, лекин ўз вақтида оралиқ масофа 15-20 дақиқадан ошмаслиги зарур.

Ахборот-кутубхона муассасаси бинонинг ҳажми ва ҳолати бўйича санитария-эпидемиология қоидалари ва стандартлари, меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик стандартлари талабларига жавоб бериши керак.

Асосий ишлаб чиқариш майдонларининг юзалари уларнинг мақсадларига ва белгиланган стандартларга мувофиқ белгиланади (4-илова).

Ахборот-кутубхона муассасасидаги бўлим ва хизматларни жойлаштиришни режалаштириш ва ундан фойдаланиш учун қулайликларни таъминлаш масалалари ҳисобга олиниши керак.

Фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишни ташкил этиш мақсадида ахборот-кутубхона муассасаси эҳтиёжи ва ахборот-кутубхона технологияларининг ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда ҳамда бинолар ва майдонларнинг нисбатларини ўзгартиришга имкон берувчи биноларнинг мослашувчан тартиб-тамойилидан фойдаланилади.

Ахборот-кутубхона муассасасида қулай ва унимли вақт ўтказиш, унинг хизматларидан фойдаланиш қуйидаги таркибий қисмлар ёрдамида амалга оширилади:

- фойдаланувчиларнинг эркин ҳаракатланиши учун тахминий маълумотларнинг мавжудлиги;

- турли ҳужжатлар, ахборот, ахборот воситалари ва телекоммуникацияларнинг мавжудлиги;

- оддий ва ишлатиш учун қулай функционал ускуналар;

- қулай иш, мулоқот ва дам олиш учун мўлжалланган дизайн;

- ходимларнинг профессионал ахлоқи, фойдаланувчилар ҳуқуқларига риоя қилиш.

Ахборот-кутубхона муассасаси ҳудудида болаларни ўзига ҳослиги билан ажралиб турадиган ва улар учун осонгина таниб олинадиган, дўстона, жозибали ва қулай жой бўлиши керак. Буларга: махсус мебел, ранг ва декоратив дизайн ва бошқалар ёрдамида эришса бўлади.

Ахборот-кутубхона муассасасида фойдаланувчилар ва ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаш, ресурсларни ҳимоя қилиш бўйича барча чоралар кўрилиши керак. Хоналар ёнғин ва бошқа хавфсизлик ва ҳимоя қилиш тизимлари, қисқа ва тушунарли ёзувлар ва бино ичида одамлар ҳаракати кўрсаткичлари билан жиҳозланган бўлиши керак.

Ахборот-кутубхона муассасаси ёнғин хавфсизлиги ва хавфсизлик воситалари билан таъминланиши керак: 50 квадрат метр учун 1 та ёнғин ўчиргичи, лекин ҳар бир хона учун камида 1 та ёнғин ўчиргичи, шунингдек ахборот-кутубхона муассасаси сигнализация билан жиҳозланиши лозим.

6.4. Ускуналар ва жиҳозлар

Ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш мақсадида ахборот-кутубхона муассасаси ахборот-кутубхона мебеллари (жавонлар, витриналар, кафедралар, столлар, стуллар ва ҳ.к.) ҳамда кўрсатилаётган хизматлар сифатини таъминловчи техник жиҳозлар билан жиҳозланиши лозим.

Ахборот-кутубхона муассасасининг техник воситалар ва замонавий технологиялар билан жиҳозланиши уни ривожлантиришнинг энг муҳим манбаи бўлиб, асосий функцияларнинг бажарилишини тўлиқ таъминлаши, шунингдек, улардан оқилона фойдаланиш имкониятларини ҳисобга олиши керак.

Ахборот-кутубхона муассасасининг техник жиҳозланиши қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ҳужжатларни нусхалаш ва кўпайтириш воситалари (сканер, ксерокопия ва бошқалар);
- фойдаланувчиларнинг овозли ва визуал маълумотларга киришини таъминлайдиган воситалар (телевизор, видеоманитон, мусика маркази, проектор ва бошқалар);
- алоқа воситалари (телефон, факс, интернет тармоғига киришни таъминлаш учун Wi-Fi, модем ёки махсус ажратилган алоқа канали);
- транспорт;
- компьютер техникаси.

Ҳар 500 нафар фойдаланувчи учун ҳар бир ахборот-кутубхона муассасасида камида 1 та компьютер, 1 та принтер ва 1 та интернет тармоғига уланиш нуқтасига эга бўлиши керак.

Ахборот-кутубхона муассасасидаги ускуна ва дастурий таъминотлар ахборот ва телекоммуникация технологиялари талабларига мувофиқ – камида беш йилда бир марта янгиланиши керак.

Маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскирган махсус ахборот-кутубхона ускуналари таъсисчининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ махсус ускуналардан фойдаланиш муддатлари ва шартлари нормативлари ишлаб чиқилган ва тасдиқланган далолатнома асосида ўз вақтида ҳисобдан чиқарилади.

Аҳолига стационар хизмат кўрсатишни ташкил этиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Ахбо-

рот-кутубхона марказлари махсус жиҳозланган транспорт воситаси – библиобусга эга бўлиши керак.

6.5. Ходимлар

Ахборот-кутубхона муассасасининг таъсисчиси ва унинг маъмурияти етарлича ходимлар билан таъминлаши керак.

Ахборот-кутубхона муассасаси маъмурияти ходимлари ўртасида вазифаларни аниқ тақсимлаш учун жавобгар бўлади. Барча ходимлар нафақат масъулият билан, балки ўз ҳуқуқлари билан ҳам танишишлари керак.

Ходимлар сонининг камида 50 фоизи ахборот-кутубхона ихтисосидаги дипломли мутахассислар бўлиши керак.

Ахборот-кутубхона муассасаси маъмурияти ва унинг таъсисчиси Ахборот-кутубхона муассасасида махсус гуруҳ фойдаланувчиларига (болалар, кексалар, ҳаёт фаолияти чекланган шахслар ва ҳ.к.) хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган махсус билимларга эга бўлган ахборот технологияларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш, ахборот маҳсулотлари ва хизматларини ярата оладиган ходимларнинг мавжудлигини назарда тутиши керак.

Ахборот-кутубхона муассасаси ходимлари компьютер ускуналари ва нусха кўчириш-кўпайтириш техникасида амалий кўникмаларга эга бўлиши керак.

Ахборот-кутубхона муассасаси маъмурияти ва унинг таъсисчиси қуйидагиларни таъминлаши керак:

- қонун ҳужжатларига, шунингдек, маҳаллий норматив ҳужжатларга мувофиқ ходимларни ижтимоий ва соҳавий ҳимоя қилиш;
- ахборот-кутубхона муассасалари мутахассисларининг малакасини мунтазам ошириб бориш.

Ахборот-кутубхона муассасаси раҳбарлари ва мутахассислари 5 йилда камида 1 марта белгиланган шакллар бўйича малака оширишлари шарт.

Ахборот-кутубхона муассасаси таъсисчилар ва унинг маъмурияти ахборот-кутубхона муассасаси ёш мутахассисларининг касбий ва ижодий ўсишига қўмаклашади (ўрта махсус ва олий ўқув юртлари битирувчилари, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, Тошкент ахборот технологиялари университети (филиаллар)).

Меҳнатга ҳақ тўлаш даражаси, шунингдек, ходимларни рағбат-

лантириш тизими улар бажарадиган ишларнинг ҳажми ва сифатига мос келиши керак.

Оммавий кутубхоналар фаолиятининг модел стандартига (РБА, 2008) мувофиқ, ходимлар сони бир нечта мавжуд ҳисоблаш вариантларидан бири асосида аниқланади *(5-илова)*.

Энг кам норма - қишлоқ ёки шаҳар аҳоли пунктида 500-1000 нафар яшовчи аҳоли учун 1 нафар ахборот-кутубхона ходими.

Ахборот-кутубхона муассасаси ўта муҳим ижтимоий-маданий объект бўлган кам таъминланган ҳудудларда ва етиб бориш қийин бўлган жойларда ушбу меъёр ҳудуд учун мақбул даражага туширилиши мумкин.

6.6. Фаолиятни молиялаштириш

Ахборот-кутубхона муассасасини молиялаштириш режали асосда улар фаолиятининг барча босқичларида, фаолият натижаларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши ҳамда унинг мақсадлари, вазифалари ва устувор йўналишларини муваффақиятли амалга оширишга хизмат қилиши керак.

Ахборот-кутубхона муассасасини молиялаштириш маҳаллий бюджет маблағлари, вилоят/шаҳар биргаликда молиялаштириш жамғармасидан давлат бюджетини молиялаштириш имкониятлари, шунингдек, давлат ва маҳаллий бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари дастурлар доирасида мақсадли маблағлар, ташкилотлар ва жисмоний шахслар томонидан ҳомийлик маблағлари, тадбиркорлик ва бошқа даромад келтирувчи фаолиятдан олинган даромадлар ва бошқалар ҳисобидан амалга оширилади,.

Ахборот-кутубхона муассасаси бюджети, унинг технология ва ресурсларини янгилаш, ахборот-кутубхона хизматларини такомиллаштириш, ахборот-кутубхона муассасаси ходимларини ва фойдаланувчиларни ўқитишга бўлган эҳтиёжларини ақс эттириши керак.

Ахборот-кутубхона муассасаси бюджет харажатлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган барча шаклланиш манбаларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

- ахборот-кутубхона муассасаси ходимларини (иш ҳақи, компенсация, рағбатлантириш ва бошқа нафақалар, мукофотлар, моддий ёрдам, ходимларнинг малакасини ошириш учун йиллик харажатлар) билан таъминлаш;

- ахборот-кутубхона ресурслари фондларини жамлаш, ташкил

этиш ва асраш (янги китобларни сотиб олиш, даврий нашрларга обуна бўлиш, видео ва аудио ёзувлар, электрон нашрларини сотиб олиш, фондларни сақлаш ва хавфсизлик ускуналари ва воситалари билан таъминлаш);

- ахборот-кутубхона муассасасини автоматлаштириш, ахборот технологияларини жорий этиш (компьютер ва бошқа техник жиҳозларни харид қилиш, алмаштириш ва янгилаш, компьютер техникасини модернизация қилиш, тармоқни қўллаб-қувватлаш ва дастурий таъминот харажатлари ва бошқалар);

- биноларни таъмирлаш (коммунал хизматлар, жорий ва капитал таъмирлаш, ижара, бинолар ва ускуналарга техник хизмат кўрсатиш ва бошқалар);

- ахборот-кутубхона маконини ташкил этиш, биноларни жиҳозлаш (мебел ва ускуналар, материаллар, дизайн буюмларини харид қилиш);

- ташкилий, илмий-услубий ва бошқарув фаолиятини амалга ошириш (алоқа хизматлари, ахборот-нашриёт ва реклама харажатлари, хизмат сафари харажатлари, иш юритиш ва офис материаллари ва қўшимча харажат материалларини харид қилиш ва бошқалар);

- оммавий тадбирлар: оммавий тадбирларни ўтказиш, кўрғазмаларни ташкил этиш.

Ушбу мақсадлар учун сарфланган маблағлар, ташкилотнинг бюджет сметасида акс эттирилган ахборот-кутубхона муассасасининг тахминий йиллик бюджети ҳисобланади.

Қўшимча функциялар ёки фаолият турларини (ижтимоий, таълим ва ҳ.к.) амалга оширувчи ахборот-кутубхона муассасаси, таъсисчи ёки унинг буюртмаси билан келишилган ҳолда тегишли қўшимча моддий ресурслар билан таъминланади.

Ахборот-кутубхона муассасаси фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар субъекти сифатида ўзи яратган интеллектуал маҳсулотларга эгалик қилиш ҳуқуқига эга, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ фойдаланувчиларга унинг асосида кўрсатиладиган хизматлар учун ҳақ тўлаш ҳуқуқига эга.

7. Ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш

Ахборот-кутубхона муассасаларининг барқарор фаолияти қонун-

чилик, маҳаллий меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш ва кафолатланган бюджет маблағлари билан таъминланади.

Давлат идоралари ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари ахборот-кутубхона тармоқлари тизимини ривожлантириш, аҳоли учун замонавий ахборот-кутубхона биналарини қуриш зарур ахборот-кутубхона хизматлари кўрсатишни ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.

АКМ фаолияти маданият ва таълим, ҳудудни ахборотлаштириш соҳасидаги узоқ муддатли стратегияни ажралмас қисми бўлиши керак

Ахборот-кутубхона муассасалари ахборотлаштиришни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиш лозим, унинг ривожланишининг энг муҳим йўналиши сифатида фуқароларга ахборот-кутубхона хизматларини модернизация қилишнинг асосий воситаси сифатида қаралиши лозим.

Ахборот-кутубхона муассасалари мустақил равишда қўшимча маблағларни (масалан, юқори даражадаги бюджетлар, грантлар, ҳомийлар маблағлари ва хайр-эҳсон қилувчилар, ўз тадбиркорлик ва бошқа даромад келтирувчи фаолиятлар), шу жумладан, ҳукумат ва маҳаллий бошқарув органларининг қўмагини жалб қилиши мумкин.

Ахборот-кутубхона муассасалари раҳбари талабларни ўрганиб, ишончли далил асосида зарур маблағни олади ва харажатларни сарфланишини асослаб беради.

Ҳукумат ва маҳаллий бошқарув органлари ахборот-кутубхона муассасалари иш параметрларини объектив равишда аниқлаб берадилар, ўз фаолиятининг натижаларини баҳолаш учун ўлчов мезонларини белгилаши керак.

**Ахборот-кутубхона муассасалари учун энг муҳим ахборот-
кутубхона хизматларининг тахминий рўйхати**

Хизматлар номи	Ҳисоб бирлиги / ўлчов	Асосий (ва қўшимча) статистика кўрсаткичлар
Ҳужжатларни вақтинчалик фойдаланишга бериш: абонементда, ўқиш залларида ва АКМнинг ички бошқа хизматларида; стационар бўлмаган шаклларда (китоб бериш белгиланган махсус жойи, библиобус автотураргоҳи); СБШ, КАА, ҲЭЕ канали орқали	Нусха	Китоб бериш сони (фойдаланувчилар сони, ташриф, тизимли бўлинмалар, ахборот-кутубхона пункти – нисбий кўрсаткичларни ҳисоблаш)
Стационар бўлмаган хизмат	Хизмат кўрсатиш шакли (кутубхона пункти, библиобус автотураргоҳи ва ҳ.к.)	Хизмат кўрсатиш шакллари сон/фойдаланувчилар сони/китобларни бериш сони
Тахминий адабиётларга телефон, Интернет орқали буюртма бериш,	Буюртма / ҳужжат	Буюртмалар сони / китобларни бериш сони
Бошқа кутубхоналар (СБШ, КАА, ҲЭЕ) ёрдамида талабларни кондириш ҳақида фойдаланувчиларга хабар бериш	Маълумот / абонент (СБШ КАА, ҲЭЕ)	Маълумотномалар сони / абонентлар сони / китобларни бериш сони
Кутубхонага аъзо бўлиш. Китобхонлик картасини бериш (ID-карта) (ягона китобхонлик билет)	Фойдаланувчи/ билет	Фойдаланувчилар сони, шу жумладан ягона рўйхатга олиш
Ахборот-кутубхона ресурсларидан фойдаланишни таъминлаш: (очик, ёпиқ фонд); шахсий электрон ресурс (ЭК): тармокдан фойдаланиш имконияти	Нусха	Фонддаги нусхалар сони / Очик фонддаги нусхалар/ Электрон ҳужжатлар сони(ЭХ)/ Ўлкашунослик (маҳаллий) ҳужжатлар

Китобхонлар талабига мос келадиган долзарб мавзудаги адабиётлар билан фондни тўлдириш	Нусха	Келиб тушган ресурслар сони/ Долзарб ҳужжатлар сони
Ҳужжатлар ёки мавзуларга оид сўровларни бажариш	Сўров / ҳужжат	Сўровлар сони/китоб бериш (Ахборот-кутубхона муассасаларига фойдаланувчиларнинг талабларига мувофиқлигини баҳолаш имконини бериш
Бошқа кутубхоналардан ҳужжатларга буюртма қилиш	Сўров / ҳужжат	Буюртмалар сони / китобларни бериш сони
АКМга янги келиб тушган ресурслар ҳақида ва фонд таркиби ҳақида фойдаланувчи –абонентларга хабар бериш: шахсий; жамоавий; оммавий	Ахборот маълумотномаси / кўргазма	Маълумотномалар сони / кўргазмалар+ абонентлар сони (шахсий, жамоавий хабар / кўргазмага ташриф буюрувчи-лар
Фойдаланувчи абонентлар АКМ веб сайти орқали хабардор қилиш	Мурожаат/ виртуал маълумотнома	Мурожаатлар сони/ маълумотномалар сони

2- Илова

Ахборот-кутубхона муассасалари ишининг самарадорлиги ва сифатини баҳолаш бўйича услубий тавсиялар

Ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичларини ишлаб чиқиш – бошқарувнинг реал амалиёти талаблари, бюджет маблағларини мақсадли сарфлашни баҳолаш зарурияти билан боғлиқ.

Ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятининг ижтимоий аҳамиятга эга натижаларини акс эттирувчи омилларни танлашда, ахборот-кутубхона муассасаларининг аҳоли билан ишлаш фаоллигини характерловчи кўрсаткичлардан фойдаланиш лозим. Бунда кўрсаткичлар етарлича маълумотга эга бўлиши ҳамда сони кўп бўлмаслиги керак.

Самарадорлик даражасини баҳолаш учун қиёсий асосни танлаб

олиш талаб этилади. Маданият соҳасидаги ижтимоий стандартлар ҳали тўлиқ ишлаб чиқилмаган шароитда, бундай асос сифатида қуйидагиларни олиш мумкин: а) мос типдаги идоралар учун кўрсаткичларнинг энг яхши ёки ўртача қийматлари; б) худди шу идоранинг аввалги даврдаги фаолиятининг мос кўрсаткичлари қийматлари.

Ахборот-кутубхона муассасалари ишининг ҳисоб-китоб кўрсаткичлари ва аҳолига хизмат кўрсатиш классификаторлари рўйхатини ҳисобга олган ҳолда, фаолият ижтимоий самарадорлигининг асосий кўрсаткичларини ўлчаш сифатида қуйидагилардан фойдаланиш тавсия қилинади:

1. Фойдаланувчилар сони (киши) ва бюджет топшириғи билан таққослаганда, улар сонининг ўзгариши (%).

